**УДК 1(091)**

# НАВОИЙ ВА НАҚШБАНДИЯ ТАЪЛИМОТИ

**Г.Н. Наврўзова**

*Мақолада Алишер Навоийнинг нақшбандия таълимотига оид қарашлари манбалар асосида ёритилган. Навоийнинг нақшбандия тариқатига алоқадор асарлари шартли равишда икки гуруҳга бўлиб тадқиқ этилди: нақшбандия тарихига бағишланган асарлар ҳамда нақшбандия тариқатининг назариёти ва амалиётига доир манбалар.*

**Калит сўзлар***: нақшбандия, тариқат, “Ҳуш дардам”, “Сафар дар ватан”, “Хилват дар анжуман”, зикр, фано.*

*В статье описывается отношение Алишера Навои к учению Накшбандия, основанному Бахауддином Накшбандом. А также, изучив произведения Навои, посвященные течению (сулук) накшбандия, сделан вывод, что их можно в зависимости от содержания разделить на две группы: первая – работы по истории накшбандия; вторая – источники, расскрывающие теоретические вопросы и суть практики данного течения.*

**Ключевые слова:** *Накшбандия, секта, “Хуш дардам”, “Сафар дар Ватан”, “Хилват дар анджуман”, поминание, бренность.*

## Кириш

Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегиясининг бешинчи йўналишида “Маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳани янги босқичга олиб чиқиш”ни амалга оширишга доир мақсадлар белгиланган. “Янги Ўзбекистон – маърифатли жамият” концепциясини амалга оширишда маънавий меросимизни чуқур таҳлил этишга махсус эътибор қаратилган. Хусусан, Баҳоуддин Нақшбанд ва Алишер Навоий ҳаёт йўллари ва ўзаро муносабатларини ўрганиш долзарб масаладир.

Нақшбандшунослик соҳасида навоийшунос олимлар А.Ҳайитметов, Иззат Султон, Ҳамидхон Исломий, Султонмурод Олим, Иброҳим Ҳаққул, Нодирхон Ҳасан, Сайфиддин Сайфуллоҳ ва бошқаларнинг тадқиқот натижалари эълон қилинган. Баҳоуддин Нақшбанд ҳақида Алишер Навоийнинг асарларини таҳлил этиб, Иззат Султон 1994 йилда “Баҳовуддин Нақшбанд абадияти” номли рисола тайёрлаб, “Фан” нашриётидан чоп этди. Унда Нақшбандия тариқатининг ҳозирги давр учун аҳамиятли жиҳатларига махсус эътибор берилган. 1995 йилда “Мовароуннаҳр” нашриёти Ҳамидхон Исломийнинг “Ипор ҳид билан туғилган ориф” (Хожа Баҳоуддин Нақшбанд) номли рисоласи чоп этилди. Султонмурод Олим 1996 йилда “Нақшбанд ва Навоий” асарини нашр этди, унда Навоийнинг Баҳоуддин Нақшбанд ва нақшбандияга оид меросини илмий таҳлил этди [1. Б. 8]. 2019 йилда Сайфиддин Сайфуллоҳнинг “Етти пир” номли асари чоп этилди.

Баҳоуддин Нақшбанд ҳақидаги манбалар таржима этилди, “Аврод” асари борлиги аниқланди ва қатор янги тадқиқотлар натижалари эълон қилинди. Аммо ҳали ўрганилиши лозим бўлган кўп масалалар мавжуд. Шулардан бири Алишер Навоийнинг нақшбандия таълимотига бўлган муносабатининг очилмаган қирраларини ўрганишдир.

Сўз мулкининг султони Алишер Навоий дўсти ва устози Абдураҳмон Жомий раҳбарлигида тасаввуф фалсафаси ва Нақшбандия таълимотини ўрганган [2. Б. 142]. Алишер Навоий 1476 йилда Нақшбандия тариқатини ихтиёр этиб, унга кирган [3. Б. 84; 4. Б.13]. У Абдураҳмон Жомийни ўзига пири муршид деб танлаган. Бу тарихий воқеа нақшбандия тариқатининг Алишер Навоий ҳаёти, фалсафий қарашлари ва таълимотида юксак ва муҳим мавқе эгаллаганини кўрсатади.

## Материал ва усуллар

Навоий маънавий меросини ўрганиб, унинг нақшбандия тариқатига доир асарларини мазмун-моҳиятига кўра шартли равишда иккига бўлиш мумкин:

1. Нақшбандия тарихига бағишланган асарлар.

2. Нақшбандия тариқати назариёти ва амалиётига оид манбалар.

“Насойим ул-муҳаббат мин шамойил ул-футувват” Алишер Навоийнинг нақшбандия тарихига доир ёзилган энг йирик асаридир. Бу асар асосан Абдураҳмон Жомийнинг “Нафаҳот ул-унс мин ҳазарот ал-қудс” асарининг тўлдирилган таржимасидир.

“Насойим ул-муҳаббат” – тасаввуф тарихига оид туркий тилда ёзилган жуда қимматли манбадир. Унда Ўрта Осиёда тарқалган тасаввуфнинг йўлбошчиси ва хожагон-нақшбандия тариқатининг пири Юсуф Ҳамадоний, хожагон тариқатининг асосчиси Абдулхолиқ Ғиждувоний, унинг издошлари Хожа Али Рометаний, Хожа Муҳаммад Бобои Самосий, Саид Амир Кулол, нақшбандия тариқатининг асосчиси Баҳоуддин Нақшбанд, нақшбандия тариқатининг йирик намояндалари Хожа Муҳаммад Порсо, Саъдуддин Қошғарий, Мавлоно Жомий, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ҳақида нодир

маълумотлар берилган. Энг қимматлиси – бу асар туркий тилда ёзилган асл манбадир. “Насойим ул-муҳаббат” асарининг нақшбандия тарихига доир форсий тилда ёзилган манбалардан афзаллиги шундаки, унда турк машойихлари ҳақида қимматли маълумотлар бор. Жумладан, бу асарда нақшбандия тариқатининг асосчиси Баҳоуддин Нақшбанднинг устозларидан турк машойихлари Қусам Шайх ва Халил ота ҳақида маълумот келтирилган. Улар ҳақидаги маълумотлар нақшбандия тарихини ёритадиган асосий манбалар – Жомийнинг “Нафаҳот ул-унс” ва Фахриддин Али Кошифий ас-Сафийнинг “Рашаҳот айн-ул ҳаёт” асарларида учрамайди.

Алишер Навоийнинг нақшбандия таълимотининг асл моҳияти тўғрисидаги фикрлари унинг қитъа ва шеърлари, “Хамса”, “Лисонут-тайр”, “Маҳбубул-қулуб” ва бошқа асарларида кенг ёритилган.

Тадқиқотимизда холислик, тизимлилик, воқисийлик, қиёсий таҳлил, умумлаштириш, тарихийлик ва мантиқийлик, герменевтика каби илмий билиш усулларидан фойдаландик.

**Натижалар ва муҳокама**

Баҳоуддин Нақшбанднинг тасаввуфдаги энг буюк хизмати нақшбандия таълимотини яратганлигидир. Бу таълимот ўзигача бўлган барча тасаввуфий тариқат ва йўлларнинг энг яхши томонларини олиб ривожлантирди. Бу камолот йўли меъёрдаги, ҳушёрликка асосланган мумтоз таълимотдир. Шунинг учун Нақшбандияни барча тариқатларнинг зубда ва хулосаси деб айтадилар.

Баҳоуддин Нақшбанд Абдулхолиқ Ғиждувоний, Ориф Ревгарий, Маҳмуд Анжир Фағнавий, Хожа Али Ромитаний, Муҳаммад Бобойи Самосий, Ҳазрат Амир Кулол каби Бухоронинг олти пири яратган таълимотни қабул қилиб, уларнинг хожагон тариқати асосида янги нақшбандия таълимотини яратди. Баҳоуддин Нақшбанд хожагон таълимотидаги саккиз тамойил – “Ҳуш дар дам”, “Назар бар қадам”, “Сафар дар Ватан”, “Хилват дар анжуман”, “Ёдкард”, “Бозгашт”, “Нигоҳдошт” ва “Ёддошт”га учта янги – “Вуқуфи замони”, “Вуқуфи адади”, “Вуқуфи қалби” тамойилларини киритиб, ўн бир тамойил асосида инсонни баркамол этишда аҳамиятли бўлган янги таълимотга асос солди.

Нақшбандия таълимотининг асосида “Қўл иш билан банд бўлсину, кўнгил Худода бўлсин” – “Даст ба кору, дил ба ёр” шиори ётади. Баҳоуддиннинг таркидунёчилик қилмай, меҳнат қилиб Ҳаққа етиш мумкинлиги ҳақидаги ғояси тасаввуфнинг жуда кенг аҳоли қатламлари ичига кириб боришини таъминлади. Бу таълимот амалиётида хуфия-яширин қалбда зикр бўлиб, риёсиз ҳалол меҳнат билан кун кечириш асосий талабдир [1. Б. 90–91].

Алишер Навоий нақшбандия йўлининг асосчиси Баҳоуддин Нақшбанд ва у кишининг издошлари бўлган шайхларни “Лисон ут-тайр” асарида сидра дарахти (жаннат дарахти)даги қушларга ўхшатади. Шоир бу қушлар сокин ва тинч ҳаёт кечирадилар, ҳеч нарсадан норози эмаслар, ҳар ёққа талпиниб парвоз қилмайдилар, деб таърифлайди, бундай юксак даражанинг асосини нақшбандия таълимотининг тамойили бўлган тўрт рашҳа ташкил этганлигини таъкидлайди. Асарда Ҳудҳуд тили орқали нақшбандия таълимоти моҳияти қуйидагича очиб берилган:

Бор анингдек қушки очмай болу пар,
Сидра шохи устида айлар мақар [5. Б. 81].

Бу мисраларда Алишер Навоий “қушки очмай болу пар” сидра – еттинчи осмондаги дарахтнинг шохида манзил қурган деган мажозий иборалар орқали нақшбандия тариқатининг асосий ахлоқий тамойилларидан бўлган “Сафар дар ватан”нинг моҳиятини очиб беради. Бу тамойил “Рашаҳот” асарида қуйидагича ёзилган.

Ё раб, чи хуш аст бе даҳон хандидан,
Бевоситайи чашм жаҳонро дидан.
Биншин, сафар кун, ки бағоят хўб аст,
Бе заҳмати по гирди жаҳон гардидан [6. Б. 35].
Мазмуни:
Эй парвардигор, оғизсиз кулмоқ қандай яхшидир,
Кўзсиз бутун жаҳонни кўрмоқ қандай яхши.
Ўтиргин ва сафар қилгин қандай яхшидир,
Оёқлар заҳматисиз сайр этиш нақадар яхши.

“Лисон ут-тайр” достонидаги мисралар билан нақшбандия таълимоти ғояларини қиёсий таҳлил этсак, Навоийнинг “Сафар дар ватан” тамойили моҳиятини нақадар маҳорат билан очиб берганини кўрамиз. “Сафар дар ватан” тамойилида ботиндаги сайру саёҳат ила барча иллатлардан қутулиб, ҳамида, яъни мақталган аҳлоққа эришиш йўллари кўрсатилган. Бунинг натижасида инсон камолотга етиб, зоҳиран “Кичик олам” бўлса ҳам, ботинан “Кабир олам” даражасига етишини Навоий “очмай болу пар”, “Аршпарвоз” ва “Сидранишин” иборалари билан қуйидагича тавсифлаган:

Келди хилватгоҳи они анжуман,
Сайр этар, лекин ери доим ватан.

Аршпарвоз ўлдию сидранишин.
Элга зоҳир айламай парвоз ишин [5. Б. 81].

“Хилватгоҳи онинг анжуман” жумласи орқали Навоий нақшбандиянинг ахлоқий тамойилларидан яна бири – “Хилват дар анжуман”ни тавсиф этади. Айнан “Хилват дар анжуман” ва хуфия зикр нақшбандия таълимотида “Даст ба кору дил ба Ёр” – “Қўл ишда ва қалб Аллоҳ билан” шиори асосида фаол яшаш ҳамда холис меҳнат қилиб, эзгу ишларни қилишга имкон беради.

Эрмас ул Симурғдин айру даме,
Васлидин кўнглига ўзга оламе.

Етмайин жонига ҳажридин газанд,
Сурати васлида ҳар дам Нақшбанд.

Боши узра мавҳибат тожи онинг,
Жилвагоҳи васл меърожи онинг.

Васлдин мамлу, вале дам асрабон,
Ғайрдин ҳолини мубҳам асрабон.

Васл юз минг дурридин кўнглида жўш,
Лек улуб оғзи садаф янглиғ хамуш [5. Б. 81].

Нақшбандиянинг асосий ахлоқий талабларидан “Ҳуш дар дам” Навоийнинг “Эрмас ул Симурғдан айру даме”, “Сурати васлида ҳар дам Нақшбанд” мисралари орқали тавсиф этилган.

“Рашаҳот” асарида “Ҳуш дар дам” тамойили ҳақида қуйидаги мисралар келтирилган:

Эй монда зи баҳри илм дар бар соҳил айн,
Дар баҳр фароғат асту бар соҳил шайн.
Бардор сафи назар зи мавжи кавнайн,
Огоҳ би баҳр бош байн ал-насафайн [6. Б. 32].
Мазмуни:
Эй, илм денгизига кирмай соҳилда қолган киши,
Денгизда фароғат бор, соҳилда эса ёмонликлар.
Кўз қарашларингни дунё мавжларидан кўтаргин.
Ҳар икки нафас ўртасида денгиздан огоҳ бўлгин.

Бу мисраларда ҳам, Навоийнинг юқоридаги мисраларида бўлгани каби, олам асли билан доим боғланиб, огоҳ бўлиш ғояси акс этган.

Нақшбандия таълимотидаги хуфия зикр “Лек ўлуб оғзи садаф янглиғ хамуш” мисралари билан тасвирланган. Нақшбандийларга хос бўлган хуфия зикр инсон камолотига катта ёрдам берган.

“Зикр – сўзлаш, баён қилиш, хотирлаш, ёд айлаш, хотирдагини унутмаслик маъноларини англатадиган арабча бир калима. Тасаввуфда бу калима ғафлат ва исён – эсдан чиқаришнинг зидди ўрнида татбиқ этилган. Зикр тасаввуфдаги ҳар бир тариқатда, ҳар бир тасаввуф аҳлининг наздида барча қоида, усул ва одобларнинг бошидир. Тариқат пирлари ва муридларнинг зикр фойдалари ҳақида умумий қарашлари тахминан бундай бўлган: зикр – шайтонга қарши энг ўткир яроғ. Қалбдан ғам, қайғу ва ғуссаларни ҳайдаб, дилга қувонч, фараҳ ва кенглик бағишлайди; тафаккур ва маърифатнинг юксалишини таъминлар; ҳар турли ёмонликларнинг илдизини қуритиб, хато ва гуноҳларнинг олдини олар... Зикр фақат Аллоҳни ёд айлаш, унинг гўзал исмларини эслаш эмас, балки дил, фикр ва туйғуни Аллоҳга йўналтиришдир. Аллоҳ ила мукаммал бир шуурий, зеҳний алоқа ўрнатиш зарурки, бу бахт ҳаммага ҳам насиб этавермаган. Зикр инсонларни ҳақиқий тавҳидга эриштирадиган ҳам машаққатли, ҳам завқли йўл. У камолот мақомларининг ўзаги ёки тамали сифатида тасаввуф оламида хос мавқе ва аҳамятга эга. Зикрнинг турли кўринишлари бўлган: хафий – яширин, жаҳрий – баланд овоз билан, алония – ошкоро, самоъ – куй ва рақс билан. Баҳоуддин Нақшбанд доимо хуфия – яширин, пинҳона зикрга амал қилганлар” [2. Б. 162–163].

Ҳазрат Баҳоуддинни Шоҳ Нақшбанд эканлиги энг мукаммал тавсифланган манба Навоийнинг “Хамса” асари, аниқроғи, унинг биринчи достони – “Ҳайрат ул-аброр”дир. Бу достоннинг XXI бобидаги 30 мисраси тўла Баҳоуддин Нақшбандга бағишланган. Ушбу тавсифда Навоий 23 марта “нақш” ва 8 бор илдизи “нақш” бўлган сўздан моҳирона фойдаланиб, Баҳоуддинни Нақшбандлар Шоҳи ва “дилнавоз нақш”, у яратган таълимотни “ажаб нақш” сифатида тавсифлаган.

Алишер Навоий бобни “Хожа Баҳоуддин Нақшбанд қуддуса сирруҳу мадҳидаким, сунъ наққоши ҳикмат хомаси билан рўзғор саҳифасида анинг вужуди нақшини исломий тарҳ этти ва сурати иршоди билан куфр аҳли кўнгли варақидан хитойи ва фаранги нақши кетти” деб номлаган [7. Б. 82–83].

Мунча ажаб нақш била аржуманд,
Кимса эмас ғайри Шаҳи Нақшбанд [7. Б. 83].

“Мунча ажаб нақш” деб Нақшбандия таълимотини ажойиб нақш сифатида таърифлаб, Баҳоуддин қалбига солинганлиги айнан шу ажаб нақш Баҳоудинни Шоҳ Нақшбанд сифатида аржуманд – азизу мукаррам этилганлигига ишорат қилинмоқда. Навоий нақшбандия таълимотини ажойиб нақш сифатида тавфсифлаб, унинг улуғворлигини таъкид этади.

“Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд” асарида ҳам нақшбандлар нақши улуғланади:

Ту нақши нақшбандонро чи дони,
Ту шаклу пайкари жонро чи дони?
Дарахти сабз донад қадри борон,
Ту хушки қадри боронро чи дони? [8. Б. 166]
Мазмуни:
Сен Нақшбандлар нақшини қаердан билардинг,
Сен жонимиз пайкари бўлган шаклни қаердан билардинг?
Яшил дарахтлар ёмғир қадрини билади,
Сен қуруқ бўлганинг учун унинг қадрини қаердан билардинг?

Алишер Навоий ўзининг “Қаноат нақшининг ифшоси ва нақшбандия тариқатининг адоси” қитъасида нақшбандия ахлоқий талабларининг асоси тўртта эканлиги: “ҳуш дар дам”, “назар бар қадам”, “сафар дар ватан”, “хилват дар анжуман”ларни шеър ила изоҳлайди ва қуйидаги гўзал мисраларда тавсиф этади:

Десанг, хилватим анжуман бўлмасун,
Керак анжуман ичра хилват санга.
Ватан ичра сокин бўлуб, сойир ўл,
Сафардин агар етса меҳнат санга.
Назарни қадамдин йироғ солмағил,
Бу йўл азми гар бўлса рағбат санга.
Дамингдин йироқ тутмағил ҳушни,
Ки юзланмагай ҳар дам офат санга.
Бу тўрт иш била рубъи маскун аро,
Чолинмоқ, не тонг, кўси давлат санга.
Бу оҳанг ила бўлғасен нақшбанд,
Навоий, агар етса навбат санга [9. Б. 630].

Навоийнинг нақшбандия таълимотидаги асосий камолот ҳолати – фанога оид фикрлари ҳам қимматлидир. “Лисонут тайр” достонида фанои комил ҳақида фикр юритаркан, Навоий Баҳоуддин Нақшбанд хоксорлик қилиб ўзини итнинг изидан ҳам паст тутганлигини баён этади. Бу ерда ҳам Навоийнинг нақшбандия тариқати моҳиятини яхши шарҳлаб бергани кўринади. Дарҳақиқат, бу тариқат аҳли бутун борлиқ Оллоҳнинг тажаллийси, унинг ҳусни намоён бўлиши деб билганлар. Навоий бу достонда нақшбандийларнинг фано даражасини қуйидагича тавсифлаган:

Аҳли Ҳақ бу навъ этиб салби вужуд
Бўлдини бу важҳ ила айлаб нобуд.

Бўйла ошом эттилар жоми фано,
Қолмоғондин сўнг асар ўздин яно.

Ҳақ вужудидин бақое топмайин,
Жоми ваҳдатда лиқое топмайин,

Чун фано хайлига дохил бўлдилар,
Боқийи мутлақка восил бўлдилар [5. Б. 225].

Баҳоуддин Нақшбандниng “Ал косиб ҳабибуллоҳ” ҳадисини шарҳлаб, баён этганлиги Навоийнинг қуйидаги мисралари орқали очиб берилган:

Нукта асносида Ҳабибуллоҳ,
Деди, ал косибу ҳабибуллоҳ.
Маъни айтур бу сўзга пири комил,
Ки сўз эрди Ҳақ сари шомил.
Ғараз эрмас бу сўздин дунё,
Бал эрур касбдин мурод фано [10. Б. 487].

Мисралар мазмунидан маълум бўладики, ҳалол меҳнат, холис амал натижасида фано ҳолати ҳосил бўлади ва шахс боқийлик билан боғланади. Навоий фано даражасига улғайиш учун қаноат зарурлигини таъкидлаб, бу ғояни қуйидаги сатрларда ифода этган:

Қаноат тариқиға кир, эй кўнгул,
Ки хатм ўлғай ойини иззат санга.
Десанг, шоҳ ўлай, еру кўк басдурур,
Бу бир тахту ул чатри рифъат санга.

Фано шуъласида ёшур жисмни,
Керак бўлса зарбафт хилъат санга.

Етар лола бутган қиё қулласи,
Мурод ўлса гулгун ҳашмат санга [9. Б. 630].

Навоий Баҳоуддин Нақшбандда фанойи комил бўлишини қуйидаги мисраларда ҳам тавсифлаган:

Жонға чекиб ранжу ано нақшини,
Сизмоқ учун анда фано нақшини.

Жони чу ул нақш макони бўлуб,
Нақшдин ўзга бори фони бўлуб [7. Б. 83].

Алишер Навоий “Насойим ул-муҳаббат” асарида Хожа Баҳоуддин Нақшбанд зикрида Нақшбандия таълимотининг ўзига хос томонларини жуда яхши баён этган. Бу таълимотда анжуманда хилват, зоҳир юзидан халқ билан ва ботин тарафидан ҳақ билан эканлигини ишончли далиллар билан исботлаган [11. Б. 261–265]

Алишер Навоий умрининг охири – 1500–1501 йилларда яратган “Маҳбуб ул-қулуб” асарида бутун тасаввуф ва, айниқса, нақшбандия учун зарур мақомлар сифатида қабул этилган тавба, қаноат, сабр, ишқ тўғрисида маълумот беради.

**Хулоса**

1. Алишер Навоий нақшбандия тариқатининг ихлосманди сифатида нақшбандия тарихи, назариёти ва амалиётини чуқур билган.

2. Алишер Навоийнинг нақшбандия таълимотига оид меросини чуқур таҳлил этиш ва ёшлар онгига сингдириш баркамол инсонни тарбиялашнинг муҳим омилидир.

4. Навоий асарлари тилини тушуниш учун махсус тайёргарлик зарур, шунинг учун мутафаккир шоирнинг нақшбандияга оид асарларини шарҳ ва изоҳлар билан нашр этиш лозим.

Алишер Навоий нақшбандия тариқатига кирганлиги, нақшбандиянинг Абдураҳмон Жомийдек Ҳирот жамоаси пиридан таълим олганлиги сабабли бу улуғ зот яратган асарлар ушбу таълимотнинг муҳим ва қимматли манбаси ҳисобланади.

**Адабиётлар:**

1. *Наврўзова Г.Н.* Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти ва маънавий мероси. – Тошкент: Фан, 2021. – 244 б.

2. Баҳоуддин Нақшбанд (манбалар таҳлили). / Нашрга тайёрловчи, мақола, изоҳ ва шарҳлар муаллифи. Г.Н.Наврўзова. – Тошкент: “Sano-standart” нашриёти, 2019. – 256 б.

3. *Триминғэм Дж.С*. Суфийские ордены в исламе. – Москва: Наука,1989. – 328 с.

4. *Афсахзод А.* Абдураҳмон Жоми. – Душанбе: Маориф, 1978. – 192 с.

5. *Навоий А*. Лисонут-тайр. (Насрий баёни билан). – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991. – 462 б.

6. *Фахруддин Али Сафий.* Рашаҳот ( Оби ҳаёт томчилари). – Тошкент: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашр. – 535 б.

7. *Навоий А.* Ҳайрат ул-аброр. / Тўла асарлар тўплами. X жилдлик. 6-жилд. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт – матбаа ижодий уйи, 2011. – 805 б.

8. *Абул Муҳсин Муҳаммад Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али.* Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. – Тошкент: “O‘zbekiston” НМИУ, 2019. – 335 б.

9. *Навоий А.* Бадойиъ ул-бидоя / Мукаммал асарлар тўплами. 1-том. –Тошкент: Фан, 1987. – 723 б.

10. *Навоий А.* Хазойин ул-маоний. Бадоеъ ул-васат. / Мукаммал асарлар тўплами. 5-том. – Тошкент: Фан, 1990. – 528 б.

11. *Навоий А.* Насойим ул-муҳаббат / Мукаммал асарлар тўплами. 17-том. –Тошкент: Фан, 2001. – 518 б.

## NAVOI AND NAQSHBANDI DOCTRINE

**G.N. Navruzova[1]**

*Ilmiy xabarnoma. Seriya: Gumanitar tadqiqotlar – Scientific Bulletin. Series: Humanitarian Studies.* 2022. 3 (63). 5-10.

[1]Bukhara Engineering-Technological Institute, Bukhara, 200100, str., Murtazaev, 15 (Uzbekistan). E-mail: **E-mail:** bmti_info@edu.uz

**Keywords:** Naqshbandia, sect, “Khush dardam”, “Safar dar Vatan”, “Khilvat dar anjuman”, remembrance, frailty.

This article describes the attitude of Alisher Navoi to the teachings of Naqshbandia, founded by Bahauddin Naqshband. In the article, studying the spiritual heritage of Navoi, one can conditionally divide his masterpieces of the Naqshbandi sect into two, depending on their content: The first work on the history of Naqshbandi. The second is based on the fact that they are sources that reveal the essence of the theory and practice of the Naqshbandi sect. The article is based on the material of the poems of Alisher Navoi, “Khamsa”, “Lisonut-tair”, “Mahbubul-kulub”, “Nasoim ul-muhabbat” and other works.

Alisher Navoi, the sultan of the ghazal property, studied the philosophy of tasawwuf and the teachings of Naqshbandi under the guidance of his friend and teacher Abdurahman Jami . Alisher Navoi accepted Naqshbandiya Tariqat in. He chose Abdurahman Jami as his piru murshid. This historical event preserves that Naqshbandi beliefs played a great role in life, philosophical views and tanet of Alisher Navoi. "Nasayim ul-muhabbat min shamayil ul-futuvvat" is the greatest work of Alisher Navoi on the history of Naqshbandiya. This work is mainly a supplemented translation of Abdurahman Jami's ‘Nafahat ul-uns min hazarat al-quds’.

The most well-described source that Hazrat Bahauddin was Shah Naqshband is Alisher Navoi's world-famous work “Khamsa”s first epos “Hayrat ul-abror”. The 30 verses of Chapter XXI of this epos are entirely dedicated to Bahauddin. In this description, Alisher Navoi skillfully uses the word “pattern” 23 times and 8 times the root pattern, describing Bahauddin as the King of Naqshbands and “attractive pattern”, the doctrine he created as a “wonderful pattern”.

Alisher Navoi in his poem “Qanoat naqshining ifshosi va naqshbandiya tariqatining adosi” poem explains in poetry that the moral requirements of Naqshbandi are fourfold: “hush dar dam”, “nazar bar kadam”, “safar dar vatan”, “khilvat dar anjuman”.

Alisher Navoi in his work “Mahbub ul-qulub” which was written in his last days of life in 1500-1501, gives information about tasavvuf and some necessary status for tasawwuf and naqbandiyya such as tavba,qanoat, sabr,ishq (repentance, contentment, patience, love).

Alisher Navoi as a symbol of purity and chastity, as a devotee of the Naqshbandiya tariqat, knew deeply the history, theory and practice of Naqshbandiyya.

Navoi is a great scholar who conveyed the history and essence of Naqshbandiyya to us through his royal lines.

The general conclusion is that the works of Alisher Navoi on tasavvuf are important and valuable because of he joined the Naqshbandiya tariqat and was educated by Abdurahman Jami the pir (leader) of the Naqshbandi community of Herat.

**References:**

1. Navruzova, G.N. (2021) *Xoja Bahouddin Naqshband hayoti va ma'naviy merosi* [Life and spiritual heritage of Khoja Bakhouddin Nakshband]. Tashkent: Fan.

2. Navruzova, G.N. (2019) Bahouddin Naqshband [Bahauddin Naqshband (source analysis)]. Tashkent: “Sano-standart” nashriyoti.

3. Trimingem, Dzh.S.. (1989) Sufijskie ordeny v islame [Sufi orders in Islam]. Moscow: Fan.

4. Afsakhzod, A. (1978) Abdurahmon Jomi [Abdurahmon Jomi]. Dushanbe: Maorif.

5. Navoi, A. (1991) Lisonut-tayr [Lisanut-tayr. (with a prose presentation)]. Tashkent: G‘afur G‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa birlashmasi.

6. Fakhruddin Ali Safiy. Rashahot (Obi hayot tomchilari) [Rashahot (Drops of Life Ob)]. Tashkent: Abu Ali ibn Sino nomidagi tibbiyot nashriyoti.

7. Navoi, A. (2011) Hayrat ul-abror [Hairat ul-Abror]. In: A complete collection of works. 10 volumes. 6-volumes. Tashkent: G‘afur G‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa birlashmasi.

8. Abul Muhsin Muhammad Abul Muhsin Muhammad Bakir ibn Muhammad Ali. (2019) *Maqomoti Xoja Bahouddin Naqshband* [The authority of Khoja Bakhuddin Nakshband]. Tashkent: “O‘zbekiston” НМИУ.

9. Navoi, A. (1987) Badoyi' ul-bidoya [Badoyi ul-bidoy]. A perfect collection of works . Vol. 1. Tashkent: Fan.

10. Navoi, A. (1990) Badoe' ul-vasat [Badoe st-wasat]. A perfect collection of works . Vol. 1. Tashkent: Fan.

11. Navoi, A. (2001). Nasoyim ul-muhabbat [Nasoyim ul-muhabbat]. A perfect collection of works. 20 volumes. 17-volumes. Tashkent: Fan.

*Муаллиф ҳақида маълумот:*

**НАВРЎЗОВА Гулчеҳра Неъматовна** – фалсафа фанлари доктори, Бухоро муҳандислик-технология институти Ижтимоий фанлар кафедраси профессори. E-mail: premium.progress@mail.ru